



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 21-dekabr № 52 (4502)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2019 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномалар 2019 йилнинг 25 январига қабул қилинишини маълум қилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотиغا қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илгор стандартларга мос бўлган ва амалиётда катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);

— республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илгор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотиغا қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеър, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиёти энг нодир асарларининг хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);

— замонавий ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларининг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотиغا қуйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);

— республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қоидага кўра, битта шахсга берилди. Давлат мукофоти тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишни бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофоти ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти кўрсатилаётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадиий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Музыка, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтгач, тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот томонидан тавсиянома хати ёзилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

— муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбо тартибда кўрсатилади);

— ишнинг номи;

— ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга оширилиш кўлами;

— унинг тугалланган, нашр қилинган, қурилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.

Тавсиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдаги хатни раҳбарнинг ўринбосари имзолайди.

Тавсиянома хатига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ишни тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;

— ишнинг қерда амалга оширилгани, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жиҳатдан тавсифи қайд этилган ҳолда қисқача мазмун (ҳажми 10 саҳифадан ошмаслиги, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак).

Агар мукофотга тавсия этилган тадқиқот иши буюртмага кўра бажарилган бўлса, буюртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим;

— муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга қўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;

— ҳар бир муаллиф учун 4х6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ҳодимларни ҳисобга олиш арақаси ҳамда маълумотнома (электрон варианты билан);

— қўшимча 4 дона 4х6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;

— илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарсликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар, конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қурилган иморатлар ва ихтироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоальбом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.

Эслатма: таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосалари илова қилинади.

Мукофотга тавсия этилган иш ва унга оид ҳужжатлар уч нусхада топширилиши керак.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхаларининг ҳар бир йиғмаси алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий, адабий, бадиий асарлар ёки алоҳида муқоваланган ишнинг баёнидан бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф(лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Маданият вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:
100047, Тошкент шаҳри,
Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона.
Тел.: (371) — 233-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:
100011, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона.
Тел.: (371) — 239-49-57, 244-65-97.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ КЎТАРИНКИ РУҲДА БОШЛАНДИ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Президентимизнинг жорий йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ, жорий йил 15 декабрдан 2019 йил 15 январга қадар мамлакатимизда ватанпарварлик ойлиги ўтказилади.

Андижонда бошланган мазкур ватанпарварлик ойлигининг ilk тадбири вилоят марказидаги Бобур майдонида ташкил этилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик, ҳарбий хизматчилар иштирок этди.


Майдон узра таралган Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси барчанинг қалбига ўзгача акс

садо берди. Театрлаштирилган сахна кўринишларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сиймолари гавдалантирилди. Декорациялар, монологлар, отлик ва пьеса куролбардорлар образлари орқали ўша давр руҳияти яратилди. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросидаги "Мендурмен ўша" қўшиғига ёшлар жўровоз бўлди. Сўнг майдонга тантанавор марш садолари остида Мудофаа ва Ички ишлар бошқармалари, Миллий гвардия зобит ва аскарларидан иборат йиғма бўлинулари кириб келди. Олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-хунар таълими, халқ таълими муассасалари ёшлари ҳам сафга қўшилди. Улардан сўнг ҳарбий либосдаги боғча тарбияланувчилари майдонни эгаллади. Андижон ахли ҳарбий ватанпарварлик ойлиги бошланганидан хабардор қилинди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар

ЎЗА фотомухбири
Зухриддин УМУРЗОҚОВ
олган суратлар.

Бобур қургурган мақбара монанди



Иккинчи мақола

«Сайхун сувининг... жанубий тарафидаги шаҳарлардан бири Андижон ўртада жойлашган. Фарғона вилоятининг пойтахтидир». «Бобурнома»

«Сафедбулон» зиёратгоҳидан Ўзбекистонга қайтишда Косонсой тумани божхона постидан ўтиб, Янги Аҳси томон йўлга түшдик. Энди Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо ибн Абусаид мирзонинг мангу қўним топган жойини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Мирзо Бобур ёзади: «Кенгаш қилмоққа отамнинг мақбарасининг жанубий айвонида йиғилдик». Аҳсида отасининг мақбараси ёнида Бобурнинг ҳарбий кенгаш чоғида, Аҳмад Танбал икки минг кишилик лашкар билан Аҳсига кириб, Бобурни чекингиргани воқеалари айtilган. Шунда Бобур озчилик навкарлари билан шимол томондаги тоққа чекинишга мажбур бўлади. Аввал Пули Равон, сўнгра Гунбази Чаманга, ва ниҳоят, Санг қишлоғига етди. Ушбу чекинишда Бобур Аҳси билан Санг ораси икки шарый, яъни тўрт километр

эканлигини ёзади («Бобурнома», 2002 йил, 95 — 97-бетлар). Бобур Санг суви юқориси бўйлаб юриб, Карнон сойига етишиб, Карноннинг маҳаллаларидаги хилват болларнинг бирига бориб тўхтаганини баён этади. Бобур Аҳмад Танбал кишиларига: «Ростингни айт, агар иш ўзгачароқ бўлгудек бўлса, мен таҳоратимни олай», дейди. Ўлимни бўйнига олиб, икки ракат намоз ўқийди. Ўша ҳолатда Бобурнинг яқин навкарлари Андижондан етиб келиб, уни қутқариб, пойтахт Андижонга олиб кетишади («Бобурнома», 2008 йил, 95 — 99-бетлар).

Юқорида келтирилган воқеалардан кўриниб турибдики, Эски Аҳсида Амур Темур ва теурийзодалар Умаршайх мирзо ва Бобур мирзонинг ҳеч қандай алоқадор жойи йўқ. Чунки Аҳсикент XIII асрдаёқ вайрона аҳволда бўлиб, бугунги ўлик шаҳар

кўринишига келган. Демак, Бобур мирзонинг падари бузруквори Умаршайх мирзо аниқ Янги Аҳсида дафн этилган бўлиб, асрлар давомида Сирдарёнинг ўнг қирғоғини сув ювиши оқибатида Янги Аҳси харобаларини Сирдарё оқизиб кетган.

Афсуски, «Аҳси — Фарғона шаҳарларининг онаси», «Турист ва зиёратчилар учун йўл кўрсаткичи» китобларини «Наврўз» нашриётида чоп эттирган муаллифлар Т.Қозоқов, М.Мирсайдуллаев, Б.Сатторов ва Б.Рўзинов теурийлар салтанати давридаги, пойтахт-шаҳарларга хос белги (XV-XVII аср) бўлган Аҳси маданий-адабий муҳити ҳақида бирор оғиз сўз айтмаганлар, кўп ҳолларда тарихий манбаларни ҳисобга олмаганлар. Ҳатто «Бобурнома»ни ва Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарларини ҳам яхшироқ ўқиб-ўрганишмаган кўринди.



Ўзбекистон халқ рассоми Абдуллақ Абдуллаев асари.

Кўчаларни чангитиб тўп ўйнардик. Мен янги сотиб олган қора тўпимни ташлаганда, Вали усталик билан бир урган эди, тўп гиз этиб юқориланди-да, қайтиб кўчага тушмади. Ўйновчилар турган жойларида қотиб қолишди:

– Аҳ, қандай яхши тўп эди, Шокир аканинг боғчасига тушди-я. Эссизгина...
Фаттоҳ катталардек кўлини орқасига ташлаб:

– Тагин тушиб ўтирма, биласан-ку Шокир

аканинг феълини, худди оёғингни синдиради, – деб насихат қилгандай бўлди. Болалар бирин-сирин тарқалиб кетишган эди. Мен ёлғиз қолгандим, ўйнаб тўймаган тўпимнинг алами ичимда ҳар минут сайин зўрайиб борарди. Фақат Шокир аканинг боғчасига кириш жуда кўрқинчли эди. Бир ярим та-нобча жойни эгаллаган боғча баланд деворлар ила ўралган, ичида ўрик, шафтоли, гилос, кўксултон ва шунга ўхшашлар. Бу мевалардан бирон донасини чет киши кўрмас ва кимга сотиладирганлигини-да ҳеч ким билмасди. Хатто, “анжир билан анор гулини тўкиб, кўзга илинадиган бўлганда Шокир ака санаб қўяди”, – деб гапларди маҳалладагилар. Менинг қора тўпим, шубҳасиз, мана шу боғчада. Фақат, қандай қилиб олиш мумкин? Шундай кишининг боғчасига тўп қидириб тушиш ҳазил гап эмасди. Мен кўп ўйладим, ахир тушишга қарор қилиб, қулай бир жой ахтара бошладим. Жин кўчадан боғчага кириб кетадирган ариқнинг онбори бир оз катта бўлиб қолган экан. Иштонимни тиззамга қадар кўтариб, онборга бош тикдим, ўтиш қийин бўлди, деворни кўлим ила увалаб тешикни катта қилдим-да, секингина ўтдим. Ўт орасига биқиниб, ҳар ёққа қараб олдим, боғча жимжит...

Ранг-баранг кийимларга беланган келинчақ гулларнинг устида, жимжима қафасдонли савадонларни ва боғчани поёлаган қаби ҳарёққа тез-тез қараб қўядим.

Бутун диққатимни кўзимга тўплаб қидиришга тутиндим, тўпимни онбордан 20-30 қадам нарида, ўт орасидан топдим, кўнглим тинчи-

ди. Қайтишга ҳозирланиб, атрофга бир қараган эдим, деворга чирмашиб ўсган токнинг тагида Шокир аканинг қизи Гулнор опа ила Турди сартарошнинг ўғли Асадга кўзим тушди. Дарров ўт орасига чўзилдим. “Шокир ака йўқ экан, булар бу ерда” дедим-да, ёта бер-

ОЙБЕК

ГУЛНОР ОПА

дим.

Гулнор опанинг устида бир оз тўзишга бошлаган атлас қўйлак, сарпинка рўмол елкасида. Тўла оппоқ билаги Асаднинг бўйига ўралган, дам Асаднинг чиройли юзига қарайди, дам бошини йигитнинг кенг, кучли кўрагига қўяди.

Асад бир қўли ила Гулнор опанинг белига тушган қора сочларини силариб, юзларидан узилмаган гулни хидлаган қаби секин-секин ўпар ва нималарнидир сўзларди.

Менга англашилмаган бир сирнинг оғирлиги кўкрагимни сиқар, яшил ўтлар орасига кўмилган бошимда шу вақтгача яшириниб ётган фикрлар учкунлар экан.

Кўчадан ўтган ҳар бир қизнинг паранжисидан тортиш, хатто, ҳассага суялган кампирларнинг бандасини бошига илишдан завқ олувчи тўполончи кўнглим бундай фурсатдан фойдаланмайин жимгина қиқиб кетишга маслаҳат қилмасди. Уларни бир чўчитиш лозимда. Битта-битта эмаклаб онборга яқинлашдим-да, “Гулнор опани билиб олдим” дея қичкиришим ила Асад бир

нимадан қаттиқ хуркиб, арқонни узган от қаби ўзини бир ёққа олди, қўли қалтирар, куч йўқ. Баланд деворга сакрайди, йиқилиб тушади, яна туриб бутун кучи ила иргийди, яна йиқилади.

Гулнор бир зумда боғчанинг иккинчи ёғига ўтган бўлса-да, кўрқанидан боғча эшигининг занжирини туширолмасдан типирчиларди.

Бу ишим мени шу қадр севинтирдиким, онбордан қандай қиқиб кетганимни сезмай қолдим.

Кечкурун сутта чиққанимда Хайри хола сир соғишга ҳозирланиб турган экан. Қўлимдан бир мирили чақани олдида:

– Бадалжон, холаси ўргилсин. Гулнор билан кириб майдондан ўтин олиб чиққин, кейин бир коса лиммо-лим қилиб сут бераман.

– Гулнор, Гулнор, Бадал билан бирга кириб қуруқ-қуруғини олиб чиқа қол, – дея молхонада туриб қизига буюрди.

Гулнор опа уйдан чиқди. “Опоси, келақол”, дея мени бошлаб кетди. Менга тикилиб қаролмасди, майдонга кирганда атлас қўйлагининг икки энгини шимарди, қумуш билақузуқларини ҳам юқориқоқ суриб қўйди-да, титрак бир товуш ила:

– Бадал, опоси, тагин ҳалигини бировга айта кўрма, – деди.

– Нимани, Гулнор опа? – сўрадим.

– Ҳалиги... Ман товушингдан билдим. Нимага боққа тушган эдинг?

– Тўпимга... – Мен қўйлагимнинг энгини тишлаб ҳечнарсаси билмаган кишидек турар эдим.

Маҳорат мактаби

– Шундоқ кўриб кетдим-ки... қўл-оёғим бўшашиб йиқилаёздим, – деди Гулнор опа.

Йирик, қора кўзларидан марварид томчилар унинг чиройли юзига юмалаб туша бошламиш, узун киприкларини намланмишди.

– Яхшики, уйдагилар эшитмаган. Хайри хола-мен мени худди ўлдирди-я...

Қуёшнинг сўнг нурлари баланд дарахтларнинг учларида порларди. Боғчада қўшлар шохдан-шохга ўтиб, кечани ўткизиш учун ўнғай жой қидирарди. Қаршимда йиғлаб ва ялиниб турган Гулнор опа қалбимга ҳам гурур, ҳам алам соларди, Гулнор опани қандай қилиб ишонтаришни билмас эдим.

– Йўқ, энди ҳеч билиб олдим демайман, ҳеч кимга айтмайман, ҳечкимга, йиғламанг. Гулнор опа, йиғламанг, – дедим. Товушимда ялиниш, ўтиниш бор эди.

Гулнор опа бирдан севиниб кетди, узун, нозик бармоқлари ила юзларимни силади: “Опоси-я, яхши укам ўзи”, дея эркалади. Нимчасининг чўнтагидан икки чақим, усти бир оз қирланган қанд олиб берди-да, ариқ бўйига келиб кўзларини ювди.

Майдондан ўтинларни ташиб бўлгач, Хайри холадан “лиммо-лим” сутни олиб кўчага чиқдим. “Нега мунча ялинади, нега Хайри хола ўлдирди”, дея ўйлаб кетаркан, оқшом менга Гулнор опанинг бахти, эрки қаби бўш ва сирли кўринганди.

1930 йил 5 октябрь.

Замира РЎЗИЕВА

САБОЛАР ИЗҲОРИ



Ўзодлик бахти

Ўзодликнинг оши ширин...

Тотсанг агар,
Етмиш икки томиринга куч инди.
Ҳар лаҳза бир тикланасан –
Шомини, сахар,
Ватан... дейсан,
Юрагинга бурч инди.

Кўринади ҳақиқатнинг бўю бастини,
Энгашасан. Тупрогинга тиз босасан.
Имлай бошлар олд йўлларнинг баланд пасти,
Тушунасан... ўзини англаб из босасан.

Ловулаган гулхан олар жон жисмингни,
Бу ёнишнинг ҳузурига сира тўйма.
Хўрлик деган бахтга ўраб айт исмингни,
Ва бу бахтни гафлатларга бериб қўйма.

Ўсма

Нозик қўллар кўзгу тутар сулув юзга,
Яноқларда югуради ним табассум.
Зангор нилчўп сирғалади қошлар узра,
Қолдиргани энсизгина, хушбўй изин.

Бир-бирини таранг ипда тортиб қошлар,
Чанқоғини зангор сувда қондиради.
Нилчўп энди киприкларини ўпа бошлар,
Ўт нигоҳлар кўзгу бағрин ёндиради.

Тутаб кетди, тутаб кетди, пилик қошлар,
Ойначадан мўралайдан қиз севинчи.
Тутаб кетган, тутаб кетган зулук қошлар
Кимларингдир ғойиб бўлган ором, тинчи...

Қандай тушунтирай ўзимни баҳор,
Юрагим – гулларга қўмилган дунё.
Рухим ёруғ осмон – қушлари бисёр,
Хизр назар қилган одамман гўё.

Ҳаяжоннинг хушрўй боласи энди
Оҳангга йўғрилган йиллар оқими.
Кечаги ситамкор ғамлар чекинди,
Турфа гул узатган боғлар яқиним.

Гул қаби титрадим, гул қаби ёндим,
Бир юракка бўлдим ёп-ёруғ ҳаёл.
Йўқотиб йиғловдим, топиб қувондим,
Мен – улкан севига дуч келган Аёл.

Нигоҳимни боғлаб олланар уфқ,
Сармаст чайқалади кузатиб дарахт.
Бўм-бўш қушларимни тўлдирар қўшиқ,
Бўм-бўш қушларимга кириб келар бахт.

Шунгача мен қандай яшадим, билман,
Сен азизлик бердинг умримга нондай.
Ташаккурим етмас, раҳматларим кам,
Мухаббат дунёсин шарҳлайин қандай.

Қандай тушунтирай ўзимни, баҳор.

Кўнгилларга киргим бор,
Тонгдай ёруғ хат бўлиб.
Саболар тўққан изҳор,
Ҳусни малоҳат бўлиб.

Ҳисларим минг тус, бироқ,
Соғинч ранглиги қўпроқ.
Қуйлатди мани тупроқ,
Табаррук хилқат бўлиб.

Жоним гулханга қиёс,
Гуллаб ёнишлигим рост.
Яссавий бобом мерос
Қолдирган суҳбат бўлиб.

Имондан кетаркан сўз,
Ватан, сендан узмам кўз,
Яшайдурман ёруғ юз
Вафоси қат-қат бўлиб.

Замира, ҳе-ей... десанг бас,
Онажон деб берай сас,
Шеър янграгани гулнафас
Жонбахш муҳаббат бўлиб.

Рустам МИРВОҲИД



МУАЗЗИНЛИК ҚИЛАР БУЛБУЛЛАР

Эркин Воҳидов газалига

муҳаллас

Бу чин изҳор, бу чин иқдор: сенингдирман, сенингдирман,
Бўлай собит ва ё сайёр, сенингдирман, сенингдирман,
Магар соғман ва гар бемор, сенингдирман, сенингдирман,
Ватан, то таңда жоним бор, сенингдирман, сенингдирман,
Таним хок ўлса ҳам сен ёр, сенингдирман, сенингдирман.

Рақиб тегса ҳамиятта дилимни кўзгаган орсан,
Йигитлик созида барабж вафони қуйлаган торсан,
Ажаб руҳий сафо мавжуд, вужудим ичраки ёрсан,
Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир, юрак кенгдир чу сен борсан,
Сенингсиз икки дунё тор, сенингдирман, сенингдирман.

Агар хосман – сенга мосман, сенга хослик улугъ неъмат,
Терай ризқимни киприк-ла кучоғингда қилиб гайрат,
Сенинг ишқинги бетаъма, сенинг меҳринги беминнат –
Менга бегона элларда насиб гар ўлса юз роҳат,
Чекай бағрингда минг озор, сенингдирман, сенингдирман.

Қадимдан бу қадим ғоздир, менингдирсан, менингдирсан,
Бошим мағрур, сарафроздир, менингдирсан, менингдирсан,
Сўзим дардинг-ла мумтоздир, менингдирсан, менингдирсан,
Агар шодликларинг оздир, менингдирсан, менингдирсан,
Магарким ғамларим бисёр, сенингдирман, сенингдирман.

Сенга манзур битик битсам салафлардин бўлак, айру,
Шудур олий менга матлаб, бироқ ундан буюк орзу –
Садаф бағрида дур янглиғ ниҳон тутган дуоим бу –
Бутун бор, эрта йўқ жиссим, вале руҳим учун мангу
Сенинг мангулигинг даркор, сенингдирман, сенингдирман.

Абад жисминга мос исминг қолур жон тоқида зарнақш,
Сенга Рустам бу тахмисни умид бирлан этибдур бахш,
Шараф – дил қўзига гардинг суришким тўғти айлани,
Сенинг ишқинг билан ёндим, кетар жонимда бу оташ,
Сенингдирман, яна такрор, сенингдирман, сенингдирман.

Аллалаган сокингина куй
Қувиб солди дилдан ғамларини.

Биринчи қор – кўнгил гардиши,
Борлиқ узра сочилган оқ пар.
Гўзаллиқни ҳис этган киши –
Зар қадрини билгувчи заргар.

Борлигини

Рухим дарёсида ишққа гарқ бўлиб,
Исёнкор нафратнинг олови сўнар.
Бемажол юрагим умидга тўлиб,
Энг сўнгги илинжнинг ниҳоли унар.

Меҳринг шаробидан дил топар малҳам,
Билмайсан, пинҳона мадалкорлигинг.
Лайли-Мажнун бўлиб учрашмасак ҳам
Менга ҳаёт берар сенинг борлигинг.

Сизни...

Сизни кўзларимга яширгим келди,
Қизғондим ўзганинг боқишларидан.
Пойқоқчи ҳаёллар ортимдан елди,
Ўзимни рашк қилдим ёқишларимдан.

Зухра БЕГИМ



Биринчи қор

Бир пайт боқсам дераза томон
Бўралаб-бўралаб ёғаётир қор.
Бисотини ёйганча осмон
Зеб бермоқда заминга такрор.

Биринчи қор. Оппоқ, беғубор,
У севгининг тоза юраги.
Насиб этди бу йилги дийдор,
Новдаларда қишнинг зираги.

Чулғаб олди адоғи йўқ ўй,
Ёлга солди гўзал дамларини.

НОВАЛАРДА ҚИШНИНГ ЗИРАГИ

Сизни сўзларимга яширгим келди,
Тингласам, сўзингиз қатларида бол.
Қоғоз не, сатрлар кўксимни тилди,
Нетонг, муҳаббатнинг ёноқлари ол.

Сизни юрагимга яширгим келди,
Кўнглимга туйғулар солган дилгорим.
Сиздан бошқасини ўйламай қўйдим,
Умидлар гул-ғунча ёзган баҳорим.

Сизни ҳисларимга яширгим келди,
Соғинчлар жисимга тиг урган замон.
Вожаб, муҳаббат тан берар экан
Асирга айланиб қолганда бу жон.

Довергли композиторлар Игорь Стравинскийнинг “Қақнус” ва Римский — Корсаковнинг “Шахризода” балетлари Россия тарихида “Кумуш аср” (1890 — 1915) деб номланган даврда яратилган. Айнан шу даврда рус зиёлиларида Шарқ шеърлати ва маданиятига муҳаббат кучайгани кузатилади. Шу кунга қадар жаҳон санъат шинавандалари назаридан тушмай келаётган бу икки балет яқинда Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри жамоаси томонидан томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳар икки балетни афсонавий раққос Марис Лиенанинг ўғли, таниқли балетмейстер, Россия халқ артисти Андриис Лиена сахнага қўйди.



“КУМУШ АСР” ТУҲФАЛАРИ

Бахт, севги ва яхшилик тимсоли бўлган Қақнус куш ўзининг ёрқин қанотлари билан спектакль премьерасида ҳозир бўлган томошабинларнинг кўзи ва кўнглига ёруғлик бахш этди. Қақнус — балерина Нодира Ҳамроевнинг сахнадаги илк парвозиёқ спектакль ҳақида ижобий фикрлар уйғотди. Ўлмас Кашейнинг қасрига учиб келган қақнус ҳеч бир ҳавотирсиз хўжайиннинг боғида пишган олмадан татиб кўради. Рус паҳлавони Иван Царевич — солист Бехзод Акимбоев эса пайт пойлаб бу эртақсимон гўзал қушни тугтиб олади.


Нодира ва Бехзоднинг бу илк хореографик-пластик мулоқоти бутун спектаклнинг энг нозик ва ёрқин сахналаридан биридир. Қуш шахзоданинг қўлларида нозик ҳаракатлар билан тилиричилаб, қўйиб юбришини илтижо қилади. Барча ҳаракатлари зое кетган қуш ҳолдан тоя бошлайди. Қушга ниҳоятда ачинган шахзода уни қўйиб юборади. Бунинг эъзизига Қақнус унга ўз ниҳайи сўя қилади... Мазкур хореографик диалог бор-йўғи етти дақиқа давом этса-да, спектаклнинг энг мураккаб сахнаси ҳисобланади. Айнан шу сахнада Нодира ва Бехзоднинг бор маҳорати ҳамда балетмейстер А.Лиенанинг юксак қобилияти намоён бўлган. И.Стравинский ва А.Лиена томонидан кашф этилган рус классик шеърлатининг пластик руҳияти, нозик хореографик унсурлар, музиканинг ниҳоятда ўзига хос жарангини ижрочилар катта маҳорат ва меҳр-муҳаббат билан намоён қилганлар. Қақнус — Н.Ҳамроевнинг нозик ва узун қўллари (қанотлари) рус халқ эртагига жамланган нафосатни очиб беради. Балетмейстернинг оригинал хореографик топилмалари мазкур дурдона асарнинг илк ижодкорлари иштини тақдорламайди. Янги талқинда “Кумуш давр”нинг бутун бойликлари рус музикаий-хореография маданиятининг энг яхши ижод намуналари орқали яққол намоён бўлади. Тасвирий хореография ва музикаий-поэтик санъат ўзаро қоришиб, инсонни, унинг одамийлигини, гўзалликка муҳаббатини, тинчлик ва озодликка интилишини қуйловчи рамзга айланади. Н.Ҳамроева ва Б.Акимбаев ижросидаги ниҳоятда мураккаб мазкур дуэт-диалог ўзбек-рус балетига жуда катта давр мобайнида эришилган ютуқларнинг яққол намоёишидир. Ижрода ҳеч қандай ортиқча ё кераксиз хатти-ҳаракат йўқ. Барчаси ниҳоятда шоирона ва кўтаринки руҳда ижро этилган.

Н.Ҳамроева Ҳамроевлар сулоласи вакили сифатида актёрлик имкониятларини илк бор кенг намоён этишга муваффақ бўлган. Шубҳасиз, бунда режиссёр-балетмейстер А.Лиенанинг хизмати ниҳоятда таъкидлаш жоиз. Ўлмас Кашей ролдаги Андрей Немировский ижроси ҳам ана шу шахс меҳнатларининг мевасидир. А.Немировскийнинг Кашей ёмонлик ва ўлим тимсолидан кўра, “кумуш аср” ижодкорлари фантазияси сифатида бадий-поэтик топилмаси эслатади. Раққоснинг актёрлик маҳорати асарнинг биринчи ижодкорлари — М.Фоккин ва М.Булгаков ижоди билан ҳамнафас бўлиш имконини берган. Кашей образи балетмейстер талқини ва раққос ижросида ўн

тўққизинчи аср охирида ижод қилган рус рассомларининг кулранг ва ним ҳаворанг бўёқлари орқали намоён бўлади.

Ситора Хисматова ижросидаги Малика образи ҳам “Қақнус”даги асосий қаҳрамонлардан бири. Бу образ ҳақиқат ва юксак маънавий ғоялар учун курашган Зебунисо ва Нодирабегим каби ўзбек маликаларини эслатади. Кашей асирлигидаги ўн учта ёш малика қуршовадаги гўзал Малика — С.Хисматова фақат тундагина олтин олмаларни қўлга олиб хурсандчилик қилишлари мумкин. Маликанинг Иван Царевич билан қутилмаган учрашуви спектаклнинг ғоявий-драматик юқини ташкил этади. Малика — С.Хисматова образининг сахна талқини ва асосий мағзи Иван Царевич образини янада бойитиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўн уч раққоса, Малика ҳамда Иван Царевич қатнашган хореографик дуэт бу борада муҳим аҳамият касб этган.

Балетнинг хотима сахнаси замонавий хореография санъатининг бор ютуқларидан фойдаланган ҳолда яратилган. Балетмейстер бу сахнада ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, том маънода профессионал маҳоратини намоён қилган. Кашейнинг ўлимидан сўнг қаср Малика ва Иван Царевичнинг никоҳи ўқиладиган ибодатхонага айланади. Бу сахнада ёруғлик ва рангтасвир унсурлари спектаклнинг ғоявий-руҳий яқуни, севги ва ҳақиқатнинг ғалабасини янада кучайтиришга хизмат қилади.



Н.Римский-Корсаковнинг “Шахризода” спектакли эса Шарқ поэзияси, унинг кучли маданияти, маънавий-эстетик қадриятлари эътирофидир. Мазкур асарнинг бугунги талқини, бизнингча, М.Фокин ва ўтган аср ижодкорлар авлодининг эстетик талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунинг эслатиб ўтмоқчимизки, 1960 йили таниқли санъаткор Галия Измайлова Римский-Корсаковнинг “Шахризода”си асосида музикаий асар яратганди. Лекин ўшанда “Шахризода” “1001 кеча” асарига ўхшаш талқин қилинганди. Бироқ бугунги талқин ай-

нан рус “Кумуш даври” асарини эслатади. Яъни бу балет Шарқ маданияти ва шеърлатига рус ижодкорларининг қараши сифатида дунёга келди. Шу сабаб, ҳозирги талқинда XV — XVII асрларнинг буюк миниатюристи рас-сомлари Камолитдин Бехзод, Султон Муҳаммад ва Риза Аббоснинг бадий-эстетик, рақс-пластик бўёқлари кўзга ташланади.

Саҳна очилгач, “Кумуш аср” даври рассоми И.Головин безаклари қўлланган Шахриёр саройи томошабини ҳайратга солади. А.Лиенанинг пластик талқини туфайли томошабин мазкур спектакль воқеаларини булутли-зангори бўёқлар орқали тасаввур қилади. Бу эса шарқона, европача бадий-эстетик қадриятларга ҳамда “Кумуш аср” талабларига мос келади. Мазкур сахна асарида ҳам бор-йўғи тўртта қаҳрамон — шоҳ Шахриёр, унинг укаси, форс ҳукмдори Зема, шоҳнинг хотини Зубайда ва саройда хизмат қилувчи Олтин қул қатнашади. Зема хотинининг вафодорлигини синаб кўриш учун акасига бир неча кун саройдан йироқ кетишни тақлиф қилади. Улар саройни тарк этиб, тезда қайтиб келадилар

Талқин ва таҳлил

ва бевафоликнинг гувоҳи бўладилар. “1001 кеча”нинг бошланғич қисмидан олинган мураккаб бўлмаган бу сюжет А.Лиена талқини орқали икки аср ўртасига кўприк бўлиб тушади. Кўз ўнгимизда гўё Шарқнинг буюк миниатюристи рассомлари картиналари жонланади. Тасвирий кўринишлар, музикаий-шоирона матн, пластик рақс су-ратлари ниҳоятда нозик уй-ғунлашган ҳолда аниқ образларни пайдо қилади. Ака-укалар овға жўнаб, сахнада Олтин қул пайдо бўлгандан сўнггина сахнада ҳаракатлар ривожланиб, кучая боради.

Зубайда ва Олтин қулнинг биринчи адажиодусти мазкур асарнинг марказий воқеасидир. Зубайда — Мадина Юсупова эҳтирос билан Олтин қул — Улугбек Олимовнинг бағрига отилар экан, қул ўз севгилисини бутун борлиги билан қарши олади. Уларнинг бу қизгин учрашуви бир-бирига жисман интилиш эмас, ушалмаган муҳаббат орзуси, икки эрксевар қалбнинг ўзаро талпиниши экани ижрочиларнинг хатти-ҳаракатида кўзга ташланиб туради. М.Лиенанинг пластик матнига таянган М.Юсупова ва У.Олимов аниқ образларни эмас, ўрташарқлик севишганларнинг поэтик қиёфасини яратишга муваффақ бўлишган. Ижро жараёнида Умар Хайём, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк шоирларнинг ўлмас сатрлари ёдимизга келади. Ушбу

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида Маданият вазирлиги томонидан илк бора Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автоклуб” совғаларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Маданият вазирлиги Бахтиёр Сайфуллаев табрик сўзи билан очди. Мустақиллик йилларида биринчи марта ташкил этилаётган “Автоклуб” совғалари Навоий ва Андижон вилоятларида топширилди. Мазкур “Автоклуб” автобусларида санъат ва маданият соҳа вакиллари учун барча шарт-шароитлар мужассам. Жумладан, гримёрлар учун махсус грим столлари, овоз кучайтиргичлар ва музика асбоблари учун махсус жойлар мавжуд. Консерваторияда таҳсил олаётган талабалар олий маълумотли бўлиб, ўз вилоятларига қайтганида ушбу автобусларда чекка ҳудудлардаги аҳолига хизмат қилишларини фахрланиб айтишди. Бундай автобуслар келажақда бошқа вилоятларга ҳам берилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон давлат санъат музейида “Қадимги маданият дурдоналари: Термиз археология музейи хазинасидан” деб номланган кўргазма очилди. Бугунги кунда қадим Сурхон воҳасининг бой маданий мероси тарихини ёритишда Термиз археология музейининг ҳиссаси катта. Музей кўргазма заллари ва захира жамғармаларида эрамиздан аввалги юз минг йилликдан тортиб ўн тўққизинчи асргача бўлган юз мингдан зиёд санъат ва маданият намуналари сақланмоқда. Музей коллекцияларининг энг сара намуналари намоёиш этилаётган мазкур кўргазма Сурхон воҳасининг қадимий маданияти билан пойтахт аҳлининг танишишига имкон яратди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиев ҳаёти ва ижодига бағишланган маданий-маърифий тадбир ҳамда “Фаттоҳхон Мамадалиев” номидаги жамоат бирлашмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан таниқли санъаткорлар ва устознинг издошлари хонанда, ҳассос бастакор, жонқуяр устоз, Ўзбекистон халқ ҳофиз, Тошкент давлат консерваторияси профессори Фаттоҳхон Мамадалиевнинг ижодий мероси салмоқли эканлигини таъкидладилар. Маълумки, беназир овоз соҳиб ҳофизлик ва бастакорлик борасида ўзига хос ижро услубини кашф этиб, ушбу йўналишда мактаб яратишга муваффақ бўлган эди. Бугунги кунда Маҳмуд Йўлдошев, Гулбаҳор Эрқулова, Хуррият Исроилова, Маҳмуд Тожиев сингари устоз санъаткорнинг издошлари халқ хизматида бўлиб, устозлари йўлини тутиб, муносиб шоғирлар тарбиялаб келишмоқда. Мазкур тақдимот Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

РАНГЛАР ЖИЛОСИДА АКС ЭТГАН УМР

Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ номидаги Республика мукофоти соврндори Жоллибой Изентаев ҳаёти давомида қорақалпоқ санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган рассом сифатида яратган бебаҳо асарлари билан тасвирий санъатимиз тарихида чуқур из қолдирди.

Ж.Изентаевнинг рассомликка меҳри, истеъдодини кўрган мактабдаги устоз, ўқитувчиси Омон Отабоев у билан дарсдан ташқари вақтларда ҳам шугулланиб, тасвирий санъатнинг илк билимларидан сабоқ берди. Дастлаб Беньков номидаги республика билим юртида устозлари А.Перов ва Е.Мелниковдан, сўнгра Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида Р.Ахмедов, Т.Оганесов, М.Саидов каби соҳа алломаларидан таълим олди. 1974 йили институтни битириб фа-

ти алоҳида ажралиб туради. Рассом асарларида нафақат ошанинг қиёфасини, балки халқига хос маъиш ва ҳаётий воқеликни талқин этишга эришган. Онаси сиймосида шарқ аёлига хос назокат ва қатъиятлик хислатларини уйғунлаштириб олган. Ушбу портрет турмушнинг қувонч ва машаққатларини татиб, келгуси авлод олдида масъулиятини чуқур ҳис этган оналарнинг тимсоли бўлиб кўринади. Мусаввирнинг бир-биридан ажойиб

Ортада қолган из

Рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилин-ди. 2000 йилдан Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати сифатида фаолият олиб борди. Қорақалпоғистон Республикасининг миллий байроғи ва гербини яратди. Унинг жонбозлиги туфайли 1992 йили Нукус педагогика институтида “Расм ва чизмачилик” кафедраси, 1997 йили эса иқтидорли болалар махсус мактаб-интернати очилди.

Рассомнинг асарлари нафақат Ўзбекистон музейлари ва шахсий тўпламлардан, балки чет эл коллекцияларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаган. И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейида ижодкорнинг 90 дан ортиқ дурдона асарлари сақланади.

Рассом ижодида манзара, портрет, натюрморт, мавзули асарлар кўплаб учрайди. Мусаввир қайси жанрга мурожаат қилмасин, уларда ўзига хос чизгилар орқали бой фалсафий мушоҳада, тарихий ўзан, теран фикр билан бирга оддийлик ва самимийликни уйғунлаштира олган. Жумладан, манзара жанридаги «Мовий гўмбазлар билан манзара», «Ўрмонга йўл», «Ховли. Ёз» сингари асарлари томошабини табиат билан ҳамнафас яшаётган инсон тўғрисида, замон ва абадий ҳақида мушоҳадага ундайди. Портрет жанрида яратилган асарларида эса шахснинг ички дунёсига янада чуқурроқ кириб боришга муваффақ бўлади. «Фин рассоми Пентти портрети», «Т.Жумамуратов портрети», «Рассом М.Зейналова портрети» каби асарлар фикримизнинг далилидир. Ж.Изентаев ўзига яқин инсонлар портретларини қалб ҳарорати, завқ-шавқ билан чизган. Айнисча, «Онам портре-

натюрморт асарлари кишини ҳайратга солмай қолмайди. «Музика асбоби билан натюрморт», «Қумгон билан натюрморт», «Гуппи билан натюрморт» асарларида томошабинга таниш буюмларни шакл, ранг, фактураси жиҳатдан ўзаро алоқадорликда ва муаносибликда жойлаштирган. Бу буюмларда халқ ҳаёти, эстетикаси ва маънавиятига хос жиҳатлар ифодаланган.

Узоқ тарихий тараққиётни чуқур тушунган ва бунинг ўзининг ижодий фаолиятида акс эттирган Ж.Изентаев асарларининг яшовчанлигига ва ҳаққонийлигига, образларининг ёрқинлигига, тасвирларда жўшқин оҳангдорликка эриша олди. Рассомнинг «Умид йўли» асари айнан аниқ ҳодисаларга бағишланган бўлиб, унда тарихий жараёнлар ва халқ ҳаётининг тарихий онлари акс эттирилади.

Мусаввир умрининг охиригача “Рас-сом ҳаётдан нусха кўчирмасдан худди шоир сингари завқланиши, у тўғрисида ўз қўшигини қуйлаши керак”, деган фикрга амал қилди. Асарларига қалби ва меҳрини хо этгани, уларга умрбоқий хисларни сингдиргани учун ҳам рассом шу ажойиб ранглар жилосларида мангу яшайди.

Юлдуз ШАРДЕМЕТОВА,
И.Савицкий номидаги санъат му-
зейи бўлим бошлиғи

“Берлин-Оққўрғон”

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг “Берлин-Оққўрғон” бадий фильми премьераси бўлиб ўтди. “Ўзбекино” Миллий агентлиги, “Ўзбекфильм” ДУК буюртмасига кўра суратга олинган ушбу картинада асосан Иккинчи жаҳон уруши воқеалари уч оиланинг ҳаёт йўллари орқали очиб берилади. Фильмда урушда ўзбек миллиятининг жасур ва мард ўғлонлари, шунингдек, Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги беминнат меҳнатлари ҳамда инсонийлик фазилатлари акс эттирилган. Фильм воқеалари Москва, Берлин ва фильмнинг бош қаҳрамонларидан бири Кўзивой туғилиб ўсган Оққўрғон туманида юз беради.

Картинада асосий ролларни Ҳасан Шўхратов, Раъно Шодиева, Тўти Юсупова, Нигора Каримбоева, Шахзода Матчнова, Кристина Корубко ва бошқалар ижро этган.

“Иссиқ нон”

Ҳафта давомида Алишер Навоий номидаги кино саройида режиссёр Умид Ҳамдамовнинг ўсмирлар ҳаётига бағишланган “Иссиқ нон” номли тўлиқ метражли бадий фильмининг илк намоёиши ўтказилди. Фильм бош қаҳрамони Зулфиянинг онаси рўзгор ташвишида шаҳарда ишлашга мажбур бўлади. Қишлоққа қайтиб келган қизалоқ буюиси ва тоғасининг хотини билан яшай бошлайди. У онасининг ёнида бўлишни жуда хоҳлайди. Аммо онаси бошқага турмушга чиққан, шу боис у билан бирга яшай олмайди. Бу картинанинг муваффақиятли томони бирида дардларини ичига ютиб, бирида жасорат кўрсатишга интиланган уч аёлнинг инсонийлик фазилатлари очиб берилганидир.

Фильмда бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мунаввара Абдуллаева, актрисалар Феруза Сайидова ва Зарина Эргашова ижро этган.

Маҳфуза АБДУЛҲАКИМОВА

Томошага келинг

ЭЗГУЛИК САБОҚЛАРИ

Ҳар бир халқ истеъдодли фарзандлари билан фахрланади. Фидойилиги, чуқур билим ва иқтидори билан Ватан равнақи бўлида хизмат қилганларнинг ҳамиша юзи ёруғ. Оқил Умурзоқович Салимов салкам бир асрлик ҳаёти ва фаолияти мобайнида бу ҳақиқатни амалда намойён этиб келадиган зиёлиларимиздан биридир. Лавҳамиз қарамони ўтган асрнинг 70-80-йиллари маданият, илм-фан, тағлим, тарбияб-ташвиқот ва чет мамлакатлар билан алоқалар тизимларида фидокорона меҳнат қилган.

Оқил ака техника бўйича мутахассис бўлишига қарамай, бу соҳаларнинг билимдон, жонқуяр ташкилотчиси бўлган. Шахсан ўзим у кишидан кўп нарсаларни ўрганганман. Талабчанлик, қатъият, ростқўйлик, сўз ва иш билриги, шу билан бирга, бағрикенглик, меҳрибонлик Оқил Умурзоқовичга хос сифатлардир.



билан таъминлаш у киши учун биринчи даражали ва-зифа ҳисобланар эди.

Ўзбекистоннинг бой маданияти ва тарихини дунёга танитишда ҳам Оқил аканинг хизматлари катта. Осиё мамлакатлари ёш ёзувчиларининг Тошкент конференцияси, Самарқандда Шарқ мусикаси кунлари, Москвадаги Ўзбек адабиёти кунлари, Сибирь ва Узоқ Шарқда ўтказилган маданиятимиз кунлари, Россия, Озарбайжон, Тожикистоннинг юртимиздаги адабиёт ва санъат ўн кун-ликлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Озарбайжон, Тожикистон ва Украинадаги худди шундай тадбирлари, ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтадиган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари Тошкент кинофестиваллари юқори савияда ташкил этилишида Оқил Умурзоқовичнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган.

Ўтган аср саксонинчи йилларидаги "Пахта иши", "Ўзбек иши" каби асосси уйдирмалар оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларимиз номи қораланди, улар ёмонотлик қилинди. Бу жараён Оқил Салимовни ҳам четлаб ўтмади...

Оқил Умурзоқович шўро тузуми даврида вояга етиб, йирки олим даражасига кўтарилди, Оқил Умурзоқович шўро тузуми даврида вояга етиб, йирки олим даражасига кўтарилди,

республика микёсида турли раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб борди. Лекин мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин у айрим собиқ раҳбарлар каби ик-килади турмади, билими ва бой тажрибаси муста-қиллигимизни мустаҳкамлашга сафарбар этди. Ҳозир ҳам ўзига ишониб топширилган вазифаларни виждо-нан, ҳалол баҳариб келмоқда.

Оқил Умурзоқович миллий истиқлол ғоясини, айниқса, бой маданий меросимизни тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатмоқда. Унинг раҳбарлигида сурат-га олинган "Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда" ном-ли беш қисмли ҳужжатли фильм, кўплаб китоблар ва мақолалар шундан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар барча соҳаларда катта самара бериб, турли ҳалқимизни, жадон ҳақимиятини мам-нун эътиёр. Яқинда ўзининг табарруқ тўқсон ёшани ни-шонлайдиган Оқил Умурзоқович бу жараёнда ҳам фаол иштирок этиб келадир. У ўзининг бой тажрибаси ва били-ми билан юртимиздаги тарихий ўзгаришлар моҳиятини ёшларга етказишда жонбозлик кўрсатмоқда. Ўтган йили О.Салимов раҳбарлигида ўн минг нусхада "Харакатлар стра-тегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашчи сари" ри-соласи чоп этилди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўна-лиш бўйича Харакатлар стратегиясининг мамлакатимиз та-реққиётини барча соҳаларда янги босқичга кўтариш бора-сидаги ўрни ва аҳамияти апрофича ёритилиб берилган. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланган эркин ва фаровон жамият барпо этиш уюзидадан амалга оширила-ётган кенг қўлғамли ишлар таҳлил қилинган.

Оқил Салимов раҳбарлигида чоп этилган "Саодат йўли", "Кариси бор унинг париси бор", "Интеллекту-ал ёшлар – Ватанимиз келажак" тўпلامлари ҳам маъ-навий ҳаётимизда янгилик бўлди. Хали устознинг бар-камоллик сабоғини олаётган ёшларимиз бахраманд бўладиган бундай эзгу ниятлари кўп. Мен уларни эзгу-лик сабоқлари деб атаган бўлур эдим.

Севимли шoirимиз Абдулла Орипов таъбири билан айтгандай бўлсак:

**Деҳқлар, дунёда асли ким азиз,
Айтилар, устоздир, устоз бегумон.
Тагин айтилдики, азиз шубҳасиз
Устозин қадрига етолган инсон!**

**Азиз ТўРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор**

Байрам кўнгилдагидек ўтсин

Янги йил байрамига санокли кунлар қолди. Албатта, янги йилни турли ўйинчоқлар, чироқлар осилган арчасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ранг-баранг товланаётган арча ўйинчоқлари қайси болани ўзинга ром қилмайди, дейсиз. Аммо жуда кўп ҳол-ларда ана шундай ёниб-ўчадиган арча ўйинчоқлари туфайли ёнгин солиб бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда қиш мавсумида бу талафотнинг кўрсаткичи янада ошди. Чун-ки қўббола электр иситкичларидан, газ ускуналаридан фойда-ланиш, ёнгин хавфсизлиги қондаларига рия қилмаслик ҳол-лари кўп учрайди. Уйларнинг ертўла ва чорқоқларида тез алан-га олувчи молдалар — бензин, керосин, ацетон ва бошқа су-юкликларни сақлаш асло мумкин эмас.

Шунингдек ёниб турган газ ва электр печларини уйда қаров-сиз қолдирмаслик ёхуд ёш болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солуви омидалардан эканлигини унут-майлик. Кузатишлар шунки кўрсатмоқдаки, кўпинча болалар-нинг қишқи таътилда турли пиротехника воситаларидан фой-даланиши ёнғинга сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қондаларига рия қилса турли офатларнинг олди олинган бўлар-ди. Зеро, халқимиз ўт балосидан асрагани, дея бежиз айтмайди. Янги йилни талафотларсиз кутиб олишни истасангиз, огоҳлик кундалик шioriингизга айлانسин.

**Ш.МУСАНАЗАРОВ, С.ФАЙЗУЛЛАЕВ, У.УТАБЕКОВ,
Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари**

Бошланиши биринчи саҳифада.

Китоб муаллифлари 11 км. масофада жойлашган, йўқ бўлиб кетган Эски ва Янги Аҳси шаҳар харобаларини эса ўтмишда битта шаҳар бўлган, деб ёзадилар. Шунингдек, қадимий Андижонни "ўрта асрда Фарғона vodiysидаги 7 та қишлоқдан бири бўлган", деб иддао қиладилар.

Турақўрғонлик мутафаккир Исхрқон Иброт «Фарғона тарихи» китобида ва «Туркистон» газетасининг 1913 йил, 48-сонида «**Ҳозир-ги Аҳси икки ерда бўлиб, бирини Эски Аҳси, бирини Янги Аҳси дерлар. Эски Аҳсини бузилган тарихи 1030 миллодийда бўлган экан. Андин буён мазкур Аҳсини ҳеч подшоҳлардин ёки фука-ролардин обод қилгани йўқ**», деб ёзади («Фарғона тарихи», 325-бет). Яна Исхрқон Иброт ёзади: «**Андижон тўрт минг йил муқад-дам ҳам шаҳар бўлган. Андижон Фарғона шаҳарлари ичиди энг қадимийсидир. Афросиёб Турон подшоҳи бўлиб, Андижонни пойтахт қилган. «Тарихи фаришта» асарида ёзилибдурки, Умар-шайх ўғли Бобурхон Андижонга ўн икки ёшида подшоҳ бўлди**» («Фарғона тарихи», 324-бет).

Заҳирриддин Муҳаммад Бобурнинг Мовароуннахрдаги 22 йиллик умрининг 12 йили шахзода валиахд бўлиб пойтахт Андижонда ўтди, подшоҳлик йиллари эса, асосан, Андижонда, қисман Самарқанд, Ҳушёр қишлоғи ва унинг атрофида кечди. Мирзо Бобур шу ўтган охириги 10 йил давомида оғир мусибатли кунлари бошдан кечир-ган. Ҳали 18 ёшга ҳам кирмаган ҳукмдор бобоси соҳибқирон Амир Темурнинг давлатини, тахтини тиклаш мақсадида ўзини ўтга, қўққа урди. Илк бор Самарқандни олганида 14 ёшда, иккинчи бор 19 ёшда ва учинчисда 27 ёшда эди.

Тажрибали ва кўп аскарли ғаними — Шайбонийхонга Самар-қандни топширишга мажбур бўлган. У «Бобурномада» ёзади: «Ота юртим Андижон икки йилга яқинлашган эдики, қўлдан чиқ-қан эди. Тангри июноти билан 1499 йили яна менга Андижон муяссар бўлиб эгалланди».

Бобур кўрдирган мақбара монлиғи

Маълумки, Амир Темур 1370 йили ҳокимият тепа-сига келган, турли вилоятлар ва шаҳарларга ўз вакилларини тайинлайди. Фарғона вилояти-нинг пойтахти Андижонни бошқаришга иккин-чи ўғли амирзода Умаршайхни қўяди. Умар-шайх мирзо чорак аср пойтахт Андижонни бошқаради, Амир Темурнинг гарбга қил-ган 5 йиллик юришида қатнашадиган ва та-содифан отилган ўқдан ҳалок бўлади. Унинг жасади вақтинча Шерозга қўйилиб, сўнгра Кеш-Шахрисабзга қўчирилади. Фар-ғона вилоятини бошқариш Мирзо Умар-шайхнинг 15 яшарли ўғли амирзода Искан-дарга ва кейинчалик унинг укаси Аҳмадга топширилади.

Шоҳруҳнинг вафотидан кейин ҳукмронлик Мироншоҳ авлодларига, яъни султон Абусаид Мирзога ўтади. Султон Абусаид мирзо олти-етти яшар кичик ўғли Умаршайх мирзонинг суннат тўйини ўтказиб, Амир Темур пойтахт Андижонни бошқаришни ик-кинчи ўғли Умаршайх мирзога белгиланганини инобатга олиб, бу ҳук-мдор ҳам Андижонни бошқаришни кичик ўғли Умаршайхга топши-риб, Худойберди Туччи Темиртошни бек ата қилиб юборди.

Мўғуллар — Эсон Буюкхон шимол тарафдан пойтахт Андижонга ҳужум уюштириб турган бир пайтда Умаршайх мирзо вақтинча оз мuddатга ёнги қароргоҳ — Янги Аҳсини пойтахт қилишга мажбур бўлади. Пойтахт Андижон тартибга солиниб таъмирлангач, тез мuddатда салтанат яна қадимги пойтахт Андижонга қўчиб ўтади. Юқорида номи келтирилган китоб муаллифлари эса вилоят ва республика рўзномаларида чоп этил-ган «Илмий ҳақиқатларга содиқ бўлайлик» номи мақоладан тўғри ху-лоса чиқара олмаган кўринади. Улар «Аҳсижент — қадимги Фарғона пойтахти» китобида археология, геология-сейсмология фанлари бўйи-ча ҳам сўз юритиб, хато ва камчиликларга йўл қўйганлар.

Аввало, Эски ва Янги Аҳсиларнинг йўқ бўлиб кетиш сабаблари-нинг рўй берган зилзилалар билан боғлаш нотўғри. Негаки, ер юзиди ҳозиргача содир бўлган кўплаб зилзилалар туфайли бир-роқ шаҳар бутунлай йўқ бўлиб кетгани маълум эмас. Эски ва Янги Аҳси харобаларининг бугунги кўриниши Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган ер (тупроқ) қатламларининг ҳосил бўлиши — геотектоник жараёндари билан боғлиқ. Эски Аҳсидан ўтаётган Сирдарёнинг ўнг қирғоғи қаттиқ тошсимон қатламлардан ташкил топгани боис, у ерда дарё ўзанининг йўналиши ўзгармаган. Эски Аҳси майдонини сув ювиб кетолмаган.

Янги Аҳсида эса, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган тупроқ-қатламлари қўнғини тоғ жинсларидан ташкил топганини сабабли, дарё ўзанининг йўналиши шимол томонга ўзгариб, асрлар давоми-да Янги Аҳси жойлашган ер майдонини Сирдарё ювиб кетган.

«Бобурнома»нинг 1494 йил воқеалари баёнида: «Сайхун суви-нинг шимолӣ тарафидиғи шаҳарлардан бири Аҳсидир. Жаҳон-гир мирзо, беклар ва аҳли ҳарамлар Аҳсидан пойтахт Андижонга

келдилар. Андижонда аза расми бажо келтирилиб, ош тоғилиб, вилоятларни тартиб-интизомга келтиришга ва ободонлаштиришга киришилди. Андижон ҳукмати ва эшик оғаликини Хасан Аҳмадга берилди. Уш ҳокимлиги Қосим Қавчинга берилди. Аҳси ва Мар-гинон Узун Хасанга ва Али Дўст Тоғойига тайинланди», деб ёзади Бобур мирзо («Бобурнома», 2008 йил, 32-бет).

Агар Аҳси пойтахт бўлганда эди Аҳсидан ва бошқа воқий ша-ҳарларидан шунча одамлар пойтахт Андижонга келармиди? Мирзо Бобур ёзганидек, Аҳси ва Маргинон ерлари Узун Хасанга ва Али Дўст Тоғойига тайин бўлармиди? Қолаверса, Аҳси пойтахт бўлган-да, у ерда адабий-маданий муҳит шаклланиб, мирзо Бобур-нинг отаси Умаршайх мирзодек зиёли подшоҳнинг қабр-мақба-раси қаровсизликдан йўқ бўлиб кетармиди?

Бизнингча, Умаршайх мирзонинг номини абадийлаштириш учун унинг рамзий қабр-мақбараси Янги Аҳси атрофида бунёд этил-са, тарихий ҳақиқат тикланган бўлар эди.

Эски Аҳси Хоразмшоҳ ва мўғуллар томонидан XIII асрда бутун-лай вайрон қилинган бўлиб, икки аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур XIV асрда Янги Аҳсига асос солган ва XVII асргача ёнги қароргоҳ бўлиб хизмат қилгани тарихий манбалардан маълум. 1970 йилла-ри ЎзФА Археология илмий тадқиқот институтининг илмий ходи-ми И.Ахроров олиб борган археологик қазишмаларга кўра, Янги Аҳси ёдгорлигида шаҳарсозлик маданиятини белгилловчи Арк, Шахристон, мудоффа деворлари топилмаган (И.Ахроров ҳисоботи, 20 varaқ, Самарқанд). Демак, пойтахтга арзигулик манбалар йўқлиги бу жойнинг ёнги қароргоҳ бўлганлигини билдириб турибди.

Бобур ёзади: «Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвада енгган ма-ҳали, Андижон вилояти мен томонга боқиб, баъзи кўрғонбегиларни қувиб, баъзи ерларини беркитиб, менга киши юбордилар».

«Мен Султон Саидхонга барча наварсимни топшириб, кўмак қўшиб, туғилиб ўсган ерим Андижон вилоятини унга бағишлаб, хон қилиб юбордим» («Бобурнома», 2008 йил, 153-бет).

Маълумки, Мовароуннахр ва Хўросон худудларида пойтахт шаҳар-

ларнинг энг асосий белгиларидан бири шакланган ада-бий-маданий муҳит ва илм-фан тараққиёти, бунёд-корлик ишларининг ривожланганидир. Буюк со-ҳибқирон Амир Темурнинг фарзандлари-тему-рийзодалар Мирзо Умаршайх ва унинг ўғил-лари Искандар, Бойқаро, Аҳмад, Саид Аҳмад-лар, Султон Абусаид мирзонинг ўғли Умар-шайх мирзо ва Мирзо Бобурлар пойтахт Ан-дижонда туриб 130 йилдан кўпроқ вақтда, ҳокимият Шайбонийлар қўлига ўтгунга қадар фармонбардорлик қилиб келдилар. Абуса-ид мирзонинг кичик ўғли Умаршайх мирзо ва унинг фарзанди Бобур яшаган даврда пойтахт Андижоннинг адабий-маданий муҳи-ти янада ривожланган эди. Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо адабиётни севар эди. У иссий ва ҳарбий фаолият билан банд бўлишига қарамай кўп китоб ўқир эди. Бобурнинг ота томонидан бобо-си Юнусхон ҳам назийи таъбага эга инсон бўлган. Шу боис, шеър ва адабиётга диққат ҳавас билан муносабат бил-дирган. Бобур оиласида алоҳида ўрин тутган яхши хислатлар болага отасидан ва бобосидан ўтгани аниқ.

«Бобурнома»да муаллиф бобоси Юнусхонни пойтахт Андижонга кўп маротаба келганини эслайди, аммо бирор марта Аҳсига бора-нини ёзмаган. Шунингдек, 1528 йил Бобур мирзо пойтахт Агра ша-ҳрида катта тўй қилиб, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Сўх ва Ҳушёр қишлоқларидан меҳмонлар тақлиф қилинганини ёзади («Бобурно-ма», 2008 йил, 260-бет). Аммо Аҳси тилга олинмаган, яъни у ерда пойтахт ва адабий муҳит бўлмагани боисдан ҳам тақлиф қилишга лойиқ киши топилмаган. Академиклар Сабохат Азимонова ва Азиз Қаймов ўзларининг «К истории Ферганы второй половины XV века» (Ташкент, 1957) ва «Бобур давридаги Андижон адабий муҳити» (Тош-кент, 2009) асарларида Умаршайх ва Бобурнинг пойтахт шаҳри Ан-дижонда яшаган даврини, уларнинг сиёсий ва ҳарбий фаолиятини ёритиб, Андижон адабий-маданий муҳити тўғрисида ҳам муҳим маъ-лумотларни берганлар. Академик Азиз Қаймов шундай ёзган эди: «Бобурнома»да кўрсатилишича, ҳар бир саводли хонадонда, бундай хонадонлар Андижонда кўп, кишилар Алишер Навоийнинг шеърла-ри туркий тилининг Андижон лаҳжасида ёзилганини қайд этар ва шу билан ифтихор қилар эдилар. Яна машхур мусика устаси Хожа Юсуф-нинг ҳам андижонлик эканини гурур билан тилга олиб, ҳамма билар эди». Академик С.Азимонова устози, таниқли олим Н.Ю. Якубовс-кийнинг Алишер Навоий ҳақидаги мақоласига асосланган ҳолда («Али-шер Навоий давридаги ижтимоий ва маданий ҳаёт белгилари») Ан-дижонда юқори дорададаги маданий жараён бошқа маданий марказ (пойтахт)лардан (Самарқанд, Қобул, Лоҳур, Ҳирот, Агра) орқадан эмас-лигини алоҳида таъкидлаган.

Бобур мирзо ёзади: «Андижон эли туркдур (ўзбекдир). Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ, Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг асар-лари гарчи Ҳиротда шўхрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган» («Бобурнома», 2008 йил, 29-бет). «Бобурнома»да Алишер Навоийнинг боболари Темурийлар хонадонидида садақат билан хизмат қилгани ҳам қайд этилган.

Навоий «Вакфия» асарида ўз ота-боболарининг темурийлар саро-йида юқори мавқеда бўлганлигини ёзади: «**Бу хокосорнинг ота-боби ул ҳазрат Султон Хусайн Бойқаронинг бобо ва аждоди хиз-матларида улғу мартабага сазовор ва бийик маносибда бўлган эрдилар**». Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи Саъдани», Мир-хондининг «Равзат ус-сафо» асарларида келтирилишича, Алишер Наво-ийнинг бобоси Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх билан эмиқ-дош (қўндош) бўлган.

Юқорида тилга олинган тарихий манбалардан келиб чиқсак, пой-тахт Андижонга подшоҳ Умаршайх мирзо билан амилрлар, ноиблар, беклар, шунингдек, оила аъзоларига қарашли-эмиқдош аждодлари ҳам Андижонга бирга келишгани аниқ. Бундан тахмин қилиш мум-кинки, Алишер Навоийнинг ҳам аждодлари, ота-онаси соҳибқирон Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх мирзо билан Андижонга келиб яшаган.

Албатта, мавзудан чекинмаган ҳолда тарихнавис, адабиётшунос олимларимиз учун чиндан ҳам илмий изланишларга арзийдиган ва аинқиса, Алишер Навоий таржimai холини янги маълумотлар билан бойитишга сабаб бўладиган омиллар етарлича мавжуд, деб ўйлаймиз.

**Зокиржон МАСРАБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданий ходими,
Бокижон МАТВОБОВЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданий
ходими, бобуршунос олим**

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.иқор.лари.и.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ў'zbekiston
adabiyoti va san'ati
Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилмиз: uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР
Тахриратга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтаришмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланши мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 18.28
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адиб — 5825. Буяртма Г — 1282. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.
ISSN 2381-614X
9 772381 614000